Kuch — adolatda

# Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan · 2002 yil 19 iyul · juma · № 28 (367) · sotuvda erkin narxda

**● Бир нарсани барчамиз яхши англаб олишимиз керак. Олдимизда турган улкан муаммоларни ечиш, ўз муддаоларимизга эришиш аввало биз, раҳбарлар ва масъулиятли лавозимларда ўтирган кишилардан биринчи галда одамларимизнинг ташвиш ва интилишлари билан яшашни, уларни ўз юракларимиздан ўтказишни, буюк ва эзгу мақсадларимизга етишиш учун ўзини аямасликни талаб қилади.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ



***18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси бўлди.***

***Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.***

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ўтган давр мобайнида барча соҳаларда эришилган самаралар, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачиликдаги мисли кўрилмаган ютуқлар ҳақида гапирди. Мамлакатимизга хориж инвестициясини янада кенгроқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни бундан-да ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди. Шу билан бирга, олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 7,2, истеъмол товарлари - 11,5, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,5 фоизга кўпайди. Чакана товар айланиши 8,3, пуллик хизматлар эса 12,7 фоизга ошди.

Ушбу рақамлар мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал давом этаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳатто гектаридан 70-80 центнердан ошириб ҳосил олган оилавий пудратчилар, фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари республикамизда шу кунгача етиштирилган 4,7 миллион тонналик улкан ғалла хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча меҳнаткашларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз солиқлар миқдорини белгилашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Республикамизда уни мавжуд ҳолатидан янада пасайтириш лозимлигига эътиборни қаратди. Солиқларнинг камайиши туфайли пайдо бўладиган ортиқча маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш имкони кенгаяди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Н.Юсупов, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

**(ЎзА).**

# ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

## Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳар бир йилнинг бошида ва йил ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг мана шундай кенгайтирилган мажлисларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муайян даври, хусусан, ўтган бир йил ва олти ойлик якунларини муҳокама этиш биз учун доимий анъанага айланиб қолди.

Бугун 2002 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимиз ривожланишининг якунлари ҳақида гапирар эканмиз, иқтисодиётимизнинг умумий аҳволини, юзага келган ижобий ва салбий ҳолатларни қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, биринчи галда бу соҳадаги ишларимизнинг ҳозирги ҳолатига принципиал баҳо беришимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий сабаблар, ғов-тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга бор куч ва эътиборимизни қаратишимиз, аввало, олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошидаги 2001 йил якунларига бағишланган мажлиси баёнига яна бир бор мурожаат этиб, унда шу йил учун белгиланган вазифалар ҳокимликлар, мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан қандай бажарилаётганига баҳо берсак, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Келинг, 2002 йилнинг биринчи ярмида эришилган миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Мен мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 7,2, истеъмол товарлари — 11,5, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,5 фоизга кўпайганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу даврда чакана товар айланиши 8,3, пулли хизматлар ҳажми эса 12,7 фоизга ошди. Ҳар қайси давлат тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо айланмасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизнинг молиявий тизими мустаҳкамланмоқда. Хусусан, жорий йилда бюджетнинг даромад келтириши белгиланган деярли барча манбалари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилди. Бу эса, бюджетнинг харажатлар қисмини яна бир бор танқидий баҳолаган ҳолда, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган йўналишлар бўйича кўзда тутилган бюджет маблағларини тўла ажратиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий ёрдам пуллари миқдорини кўпайтириш, шунингдек, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш учун қўшимча маблағлар излаб топиш имконини берди.

Айни вақтда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан прогноз бўйича 2 фоиз кўзда тутилгани ҳолда, атиги 0,8 фоизни ташкил этди.

Айниқса, ўтказилаётган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш, уларни муомаладан қайтариб олиш борасида эришилган натижалар диққатга сазовордир.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида кўзда тутилганидек, эмиссия даражаси 4,4 фоиз ўрнига 2,1 фоизни, йилнинг иккинчи чорагида эса бу кўрсаткич 2,2 фоиз ўрнига 0,6 фоизни ташкил этди.

Лўнда қилиб айтганда, биринчи ярим йиллик давомида эмиссия натижаларига кўра 50 миллиард сўмдан зиёд пул иқтисод қилинди, 15,2 миллиард сўм нақд пул эса муомаладан қўшимча равишда қайтариб олинди.

Ўтказилаётган бундай пул-кредит сиёсати туфайли ойлик инфляция даражаси, яъни, нарх қимматлашуви 2001 йилдаги 1,5 фоиз ўрнига ўртача 1,1 фоизни ташкил этди.

Бундай ҳол, ўз навбатида, миллий валютамизнинг белини анча бақувват қилишга хизмат қилмоқда.

Шу борада сизларнинг эътиборингизни йил бошидан бери кўрилаётган ўта муҳим тадбирларга жалб қилмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз, ягона тўлов воситаси бўлмиш миллий валютамиз — сўмнинг мавқеини оширишда, нақд хорижий валюталар бозорини, умуман валюта бозорини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда катта имкониятлар очиб бермоқда.

Бундай сиёсатни кенг кўламда давом эттириш, яъни, валюта бозорини янада эркинлаштириш билан боғлиқ ишларни изчил олиб бориб, пировард натижаларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторига кўтарилмоқда. Бу масалада Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ ва Божхона қўмиталарига алоҳида масъулият юкланади.

Ҳурматли дўстлар!

Бизнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нечоғли катта аҳамият бераётганимизни барчангиз яхши биласиз. Бу соҳанинг яқин йиллар ичида иқтисодиётимиз таркибида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутиши зарурлигини мен илгари ҳам кўп бор таъкидлаганман.

Тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масалалари барча даражадаги раҳбарларнинг, биринчи галда, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув идоралари раҳбарларининг доимий диққат марказида туриши керак.

Шуни айтиш жоизки, кейинги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг фаолияти анча кучайди.

Буни жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 26 минг 700 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилгани ҳам исботлайди.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар кўп демакдир. Бундай натижага эришишда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш тартибларининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кун ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 200 мингдан ошиб кетди, улардан 168 минг 600 тасини микрофирмалар ташкил этади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 200 минг янги иш ўринлари яратилди, бу эса мўлжалимиздан 1,5 баравар кўпдир.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 31,6 фоиздан 33 фоизга ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар ажратиш тизими анча яхшиланди - ажратилган микрокредитлар ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 18 миллиард сўмни ташкил этди. Ярим йил давомида 40,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Ҳозир бу мақсадлар учун яна қўшимча равишда 270 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали бир қанча ҳал этилмаган муаммолар, тўрачилик, ўзбошимчалик, зўравонлик каби ғов-тўсиқлар мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалар - бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан, хомашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятини кенгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб бериш, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғини яратиш билан боғлиқ масалалардир.

Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес субъектлари эҳтиёжларини таъминлашнинг ривожланган, замонавий тизимини яратиш лозим. Ва албатта, уларга банк хизмати кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтириш ва яхшилаш, имтиёзли кредитлар ҳажмини кўпайтириш зарур. Бу масалалар қаторига кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг харидорларини топиш ва сотиш муаммосини ҳал этишни ҳам киритиш лозим.

Мен бугун барча раҳбарларнинг, биринчи галда, марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг, айниқса, вилоят ва туман ҳокимларининг диққатини яна бир масалага қаратмоқчиман.

Бу масала шундан иборатки, кўп жойларда номақбул одат тусига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка соғин сигир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак.

Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишдек олижаноб мақсадларни баҳона қилиб ҳар қайси маҳаллий раҳбарнинг тадбиркорлардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишига, хайрия ишларини мажбуриятга айлантиришига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай ишларни, қонунчилик нуқтаи назаридан, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига зўравонлик ва ғайриқонуний тарзда аралашиш, деб баҳолаш керак. Ўйлайманки, Адлия вазирлиги ва прокуратура идоралари бу масалаларда тартиб ўрнатиш бўйича жойларда барча чораларни кўради.

Мен биринчи навбатда жойлардаги ҳокимият идоралари вакилларини яна ва яна бир бор огоҳлантириб айтмоқчиманки, тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ҳамма жойда ва ҳар томонлама ривожлантириш, унинг асосида тадбиркорларнинг ўрта синфини шакллантиришни тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилиш лозим. Бу бизнинг ҳам социал-иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жамиятни янгилаш, мана шу заминда яшаётган одамларнинг фаровонлигини таъминлашдек асосий стратегик мақсадларимизга эришишда бош йўналиш ва мустаҳкам таянчимиз бўлмоғи керак.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида кўтарилган ўта муҳим, ҳал қилувчи бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Гап энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш кераки, агар ўтган йили сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,66 ни ташкил этган бўлса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу йил ушбу кўрсаткич 0,81 гача ўсди. Бошқача айтганда, бир гектар ерга сарфланадиган сув ҳажми республика бўйича ўрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминлашни яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туфайли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гектар кўп ер суғорилгани ҳам эътиборга молик.

Хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепция - дастур ишлаб чиқилган. Уй-жой фондини газ ўлчаш ускуналари билан таъминлаш бўйича 2002-2004 йилларга мўлжалланган дастур ҳам қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Айни вақтда, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда сув ва ердан фойдаланиш борасида амалдаги қонунчиликни бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, электр қуввати тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, лимит интизомини бузиш каби нохуш ҳоллар ҳамон учраб турибди.

Ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимиз бўйича "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунни бузганлик учун солинган жарималарнинг ҳажми бўйича аввало Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ажралиб туради.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ердан фойдаланишда қонунчиликни бузиш ҳоллари ҳам мавжуд эканини таассуф билан қайд этишга мажбурмиз.

Бундай мисолларни нефть маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай қонунбузарликлар учун республика бўйича 1 миллиард 700 миллион сўм миқдорида иқтисодий жазо чоралари кўрилган. Бу борадаги 224 та иш эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга оширилган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида турар-жойларни газ ўлчаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса сув ўлчаш асбоблари билан таъминлашда ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика захираларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича махсус тузилган комиссияси (К.Тўлаганов) бу масала юзасидан ҳукумат қабул қилган қарорларнинг ижроси қандай бажарилаётганини яна бир марта танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқсин ва қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги йиғилишига ҳисобот тайёрласин.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда юртимизда ғалла ўрими ниҳоясига етиб бормоқда. Бу йилги мавсум биз учун ниҳоятда баракали, ниҳоятда серҳосил бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Жами ғалла ҳосилимиз 4,7 миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 41,5 центнерни ташкил этди. Айниқса, Андижон вилоятида рекорд натижага эришилди - ҳар гектар ердан 75 центнердан хирмон кўтарилди, Наманган вилоятида — 46, Фарғона вилоятида — 45, Самарқанд вилоятида — 49 центнердан ҳосил олинди.

Миришкор деҳқонларимиз эришган мана шу мисли кўрилмаган ғалабага бугун юртимизда каттаю кичик — барча қойил қолмоқда, бу ҳақда фахру ғурур билан гапирмоқда. Бу ғалаба меҳнаткаш ўзбек халқининг нималарга қодир эканини ва нималардан фахрланишга ҳақли эканини яна бир бор намоён этмоқда. Лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизнинг ғайрат-шижоати, олижаноб меҳнати билан ризқ-рўзимиз бўлмиш бошоқли дон етиштиришда ана шундай улкан натижа қўлга киритилмоқда, том маънода мамлакатимизнинг ғалла мустақиллиги таъминланмоқда.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, барча ғаллакорларимизга фидокорона меҳнати, Ватан равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишлари учун бутун халқимиз номидан, шахсан ўз номимдан чуқур миннатдорлик изҳор этиш, самимий ташаккур билдиришни бурчим, деб биламан.

Бугун бу соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, биз олдимизга қўйган аниқ стратегик вазифамиз — яъни, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлашдек тарихий вазифа муваффақият билан бажарилганини эътироф этишимиз зарур.

Бу айни вақтда халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўлидир.

Табиийки, бу ҳақда гапирганда, бу улкан ютуқ замирида нима ётибди, деган савол туғилади. Бугун биз қўлга киритган бу юксак натижалар асосида энг аввало қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, бугунги кунда бепоён далаларда ризқ-рўз ундираётган деҳқон ва фермерларнинг фикри-зикри ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муносабати, умуман дунёқараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгасига, мулкдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳсулотининг эгасига айланмоқда. Қишлоқ жойларда юз бераётган ўзгаришларнинг асл маъно-моҳияти ҳам мана шунда, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан биз, ҳаммамиз эски замондан сақланиб келаётган бир қолипдаги, айтайлик, "Фалон туманнинг деҳқонлари ва хўжаликлари ғалла етиштириш бўйича давлат режасини муваффақият билан адо этди - мамлакат омборларига мана бунча тонна ғалла топширилди" қабилидаги сийқаси чиқиб кетган ифодалардан воз кечишимиз зарур.

Ҳозирги кунда давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон, фермерлар ўртасидаги муносабатлар фақат шартнома асосига қурилмоқда ва қурилиши шарт. Маълумки, шартноманинг икки тури бор. Биринчиси — давлат билан хўжалик ўртасида давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини муайян миқдорда сотиб олиш тўғрисидаги контрактация шартномаси. Шартнома муносабатларининг иккинчи шакли эса — бу ширкат хўжалигининг оилавий пудратчи ва фермер билан тузадиган шартномасидир.

Биринчи турдаги шартнома асосида бир томондан давлат, иккинчи томондан хўжалик маълум мажбурият ва кафолатларни ўз зиммасига олади. Хўжаликлар ана шу шартномани бажариш устида ишлайди, давлат эса, ўз навбатида, шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини аниқ бажариши — хўжалик ёки фермерни техника ва минерал ўғитлар билан таъминлаши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиши, шартнома асосида топширилган ҳосилнинг пулини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаши керак.

Бу ўринда муаммонинг бошқа бир жиҳати киши эътиборини ўзига тортади. Шўро даврида давлат манфаатлари доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ана шу эски асорат таъсири туфайли бугунги кунда хўжалик билан тузилган контрактация шартномасининг бажарилишини текширувчи нозирлар керагидан ортиқ даражада кўпайиб кетган. Давлат ҳокимияти ва давлат тузилмаларининг ҳокимликлардан тортиб текширувчи органларгача — ҳаммаси шу иш билан банд.

Лекин, айтинглар-чи, иккинчи турдаги — хўжалик билан оилавий пудрат вакили ўртасида тузиладиган шартноманинг сўзсиз бажарилишини ким назорат қилади? Бу савол замирида кўп масала бор.

Ҳосилнинг тақдири, яъни биз керакли миқдордаги ғаллага, пахтага, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эга бўламизми, йўқми — бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилишига, бир томондан хўжалик — ширкат, иккинчи томондан эса пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тўлиқ адо этишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда шартномавий муносабатларнинг айни мана шу шакли энг муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз меҳнати билан ҳосил етиштирадиган одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбатини айни мана шу омил белгилайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу боис бугун хўжаликдаги ички шартномаларнинг тузилишига хўжакўрсин учун, қуруқ расмиятчилик билан қарамаслик керак. Пудратчиларнинг шартномавий мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамиятини билмаслиги, уларнинг бажарилишини етарли даражада назорат қилмаслик каби нохуш ҳолатларга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Айниқса, хўжаликларнинг ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларга риоя этмаслигига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалани мазкур шартномаларни қайд этадиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармаларигина эмас, балки биринчи галда адлия органлари қаттиқ назорат остига олишлари зарур.

Бир нарсани чуқур англаб, қулоғимизга қуйиб олишимиз даркор. Агарки қайси хўжалик жорий мавсумда оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, ўзи учун келаси йил ҳосилини ва умуман истиқболини йўқотади, деган тушунча қатъий қоидага айланиши керак.

Шу муносабат билан вилоят ва туманлардаги раҳбарлар, биринчи навбатда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари керак. Токи ҳар бир оилавий пудратчи, ҳар бир фермер етиштирилган ҳосилдан ўз улушини сўзсиз олсин.

Бу билан раҳбар - ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатни таъминлашга хизмат қилади, охир-оқибатда унинг одамлар ўртасида обрў-эътибори ортади.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизга маълум, биз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида янги мингйиллик бўсағасида туриб, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги стратегиямизни ишлаб чиқар эканмиз, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш йўлини ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олган эдик.

Ҳозирги кунда эркинлаштириш жараёни, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бугун биз мамлакатда амалга ошираётган барча ўзгаришларни боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтамоқда.

Бу эзгу мақсадни амалга ошириш, унинг ҳуқуқий асоси ва амалий механизмини яратиш учун мамлакатимизда 2000 йилдаёқ сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий, маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш бўйича Дастур ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Ана шу Дастурда зикр этилган йўналишларнинг ҳар бири бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қиладиган махсус ишчи гуруҳлари тузилган.

Дастур ижросининг биринчи босқичида аввало амалдаги тегишли ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда эркинлаштириш жараёнларини амалга оширишни таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий асосларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда биринчи галда ана шу муаммолар ечимига қаратилган, янги қабул қилинган ўнлаб қонунларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусий мулкни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз ҳаётининг кўплаб соҳаларини ҳар томонлама эркинлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларида белгиланган кўпгина нормалар амалда қайтадан кўриб чиқилди.

**(Давоми 2-бетда).**

